

ИСЛОХОТЛАР ИНСОН УЧУН, ИНСОНЛАР БАХТ-САОДАТИ УЧУН

Ислом КАРИМОВ:
Саховатли Ўзбекистон заминиди
истиқомат қилаётган ҳар бир инсон —
миллати, тили ва динидан қатъи назар
— келажакка ишонч билан қараб, ўз
ҳаётидан рози бўлиб яшасин.

(Боши 1-бетда)
Жамоа шартномалари ижроси юзасидан мунтазам мониторингдор ташкил этилган. Бу эса ҳодимлар моддий манфаатдорлиги ошишига хизмат қилаётган. Биргина мисол. 2004 йилда ҳар бир ҳодимга жамоа шартномасига биноан 8951 сўм миқдорда маблағ сарфланган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 10134 сўмни ташкил этди. Энг муҳими, меҳнатқашлар меъёрий ҳужжат асосида ҳимояланаётганини ҳис этишмоқда.

Бюджетдан ташқари сармоя топиш маъмурият ва касаба уюшмасининг муҳим вазифасига айланган. Таълим тизими моддий-техника базасини мустаҳкамлашнинг турли йўллари ахтарилаётган. Амалий мулоқотлар самараси ўлароқ турли кўрсаткичларнинг маддалари олинди. Биргина ўтган йилда ана шундай саъй-ҳаракат натижасида ўн миллион 645 миң сўм сармоя жамғарилди. Бу маблағларнинг 9,5 миллион сўми ўқув муассасалари шароитини яхшилаш, спорт мажмуаларини тартибга солишга сарфланди. 1 миллион 216 миң сўм эса кам таъминланган, моддий кўмакка муҳтож ҳодимларни рағбатлантиришга ажратилди. Худуддаги 37 нафар чин етимишар касаба уюшмалари оталигига олинган. Улар ҳолидан мунтазам хабар олиш, вазийлиги устидан назорат ўрнатилган ташкил этилган. Улар мунтазам ўқув куроллари, кийим-кечақлар билан таъминланиб

Касаба уюшмалари: кеча, бугун, эртага

кайта тайёрларидан ўтди. 32 нафар ўрта махсус маълумоти ҳодимлар олийгоҳларнинг сиртки бўлимида тахсил олишяпти. Таълим-тарбия жараёни изланишни, интилишни, давр руҳини илғашни тақозо этади. Дарсларга жон қиритиш, ўқувчилар илмини чарқаш учун кўпроқ ўрганиш лозим. Шу боис ҳам ўқитувчилар илгор тажрибаларни ўзлаштириш шарт. Туманда 453 нафар муаллим-

ЕТАКЧИЛАР СИНОВДАН ЎТИШДИ

лар малакаси оширилиши режалаштирилган. Маъмурият ва касаба уюшма ташаббуси билан режалаштирилганидан 21 нафар кўп соҳа ҳодимлари қисқа фурсатлик тахсилда бўлишди. 31 нафар раҳбар ҳодимлар бошқарувнинг тартиб-тамойлари, илгор усуллари, қонунийликка асосланишга доир билим ва кўникмаларини оқсатдиришга муваффақ бўлишди. Мақтабларда ёш авлод қизиқшини ҳисобга олган ҳолда турли тўғарақлар ташкил этилган. Талаб ва тақрифлар асосида 157 тўғарақ пулки. Уларда аҳолининг 3484 нафар фарзандлари ўз қизиқчилири йўналишида қатнашаётган. 354 та бепул фан тўғарақларида 6674 нафар ўқувчи иштирок этаётган. 77 нафар фаол хотин-қизлар мамлакатимиз бўйлаб сaxeти уюш-

(Боши 1-бетда)
60 гектарлик майдонни эгаллаган корхонани хил-тойлик мутахассислар билан ҳамкорликда "Ўзмон-тажмаҳсурулиш" уюшмасига қарашли ташкилотлар, "Қорақалпоқсаноатфундамент" очик акциядорлик жамиятининг минглаб бунёдкорлари қурилишда чинкам жасорат кўрсатдилар. Асп мўжизасининг илк пойдеворини қўйган "Тошпўлатмонтаж" қурилиш бошқармаси бригадаси бошлиғи Б.Отажонов, тажрибали электр пайвандчилар А.Абдуқаюмов, Т.Холмуротов, "Ситик" компанияси вакили Л.О.Личан каби фидойиларнинг номи қурилиш тарихида сақланиб қолади. Бугунги кунда бош механик М.Жумамуротов, оҳак куйдириш цехи бошлиғи О.Норимбетов, оператор С.Қурбонбоева, слесар П.Абдумуратов, олий ва ўрта-махсус ўқув юрталарини битириб қалб

УСТЮРТ ҲАЗИНАСИ

амри билан жамоа сафига қўшилган М.Алланов, Ж.Айтжанов, М.Урозов, М.Хўжабергенов, Ш.Қорабеков сингари юзлаб ёшларнинг мураккаб механикларни бошқаришни теъкорлик билан ўзлаштириб олганлигига қўйил қоласиз. Сахро бағри ер ости ва ер усти бойлиқларига тўлиқ "Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компанияси билан "Газпром" ўртасида стратегик ҳамкорлик тўғрисида 2004 йилнинг 10 апрелида тузилган битимга мувофиқ Шохпахта конини ўзлаштириш ниятига етказилди. 15 йилга мўлжалланган бу муҳим ҳужжатга биноан 2007 йилгача ана шу мақсадга 15 миллион АҚШ доллари миқдорда тўғридан-тўғри сармоя йўналтирилади. Келишувда кўзда тутилганидек, бундан икки йил муқаддам қандайдир газ олиш қайта йўлга қўйилди. Компрессор станциясининг қурилиши ва инфратузилмани янгилаш ишлари тугалланди. Натижада 2004 йилда 200 миллион, 2005 йилда қарий 500 миллион кубметр газ казиб олинди. Кўнғиротдаги "Йиллик-газ" кўша корхонаси Қорақалпоғистон ва Хоразм вилояти истеъмолчиларининг ёқилиш-моилаш материалларига эҳтиёжини қондиришда муштарак мақсадлар йўлидаги бунёдкор-

Тармоқ кенгашларида ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

Савдо, матлубот кооперацияси ҳодимлари ва тadbиркорлар касаба уюшмаси Марказий Кенгашнинг Хоразм вилоят вакилиги 5 йилдан буён Хива меҳрибонлик уйининг тарбияланувчиларини соғломлаштиришга ҳамхўрлик қилмоқда. Уларнинг 100 нафари ҳар йили бир мартаба Аҳмаджон Ёқубов номи оромгоҳда бепул дам олиб, ҳордиқ чиқармоқда. Касаба уюшмалари ўтган йилнинг ўзида ушбу мақсад ва кам таъминланган оилаларга 10 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлади. Вакиллик тасарруфидаги ташкилотлар қонунчиликка қатъий риоя қилган ҳолда ҳодимларни рағбатлантириш, меҳнат дафтарчаларини юритиш, ишловчиларни ўз вақтида таътилга чиқариш, ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш, муҳим саналарни муносиб нишонлаш бўйича белгиланган тadbирларни изчил амалга ошириб келмоқда. Айниқса, «Хоразмтола» масъулияти чекланган жамият, Урганч туманидаги «Яшнар», «Мухандис» хусусий фирмаларининг касаба уюшма кўмиталари бу ишларда бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Хива туманидаги «Чанашди» хусусий фирмаси билан «Хива Осий» меҳмонхонаси касабақўм раисларининг ўқувини ташкил қилдик. Бугун Хоразмда савдо, матлубот кооперацияси ҳодимлари ва тadbиркорлар касаба уюшмасининг 24 миң 500 аъзоси 117 та бошланғич ташкилотга бириктирилиб, қизгин фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили вилоят вакилига 51 та ариза ва шикоят келиб тушди. Уларнинг 95 фойдаси яқини ижобий ҳал қилинди. Қолганларига йўл-йўриқлар кўрсатилди. Тармоқ касаба уюшмаси томонидан 22 киши марказий ва маҳаллий сийхатгоҳларда дам олдирилди. 243 нафар ўқувчи турли оромгоҳларда ҳордиқ чиқарди. Жамоавларда фахрийларга, кам таъминланган оилаларга баҳоли қудрат моддий ёрдам берилмоқда. Ўтган йили шундай тadbирларда 20 миңга яқин ишчи қатнашди ва жами 70 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Жорий йилда биз чет элларга бориб ишлаб келувчиларга алоҳида аҳамият бераёмиш. Улар билан шартнома тузган ҳолда иш юритиб, фарзандларини, ўзларини соғломлаштириш чораларини кўрмоқчимиз. Бунинг эвазига уларни ижтимоий, ҳуқуқий ҳимояга олиш билангина чекланиб қолмай, аъзоларимиз сонини ҳам оширишга эришамиз.



Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат

Б.ИБРАГИМОВ,
Ўзбекистон савдо, матлубот кооперацияси
ҳодимлари ва тadbиркорлар касаба уюшмаси
Марказий кенгашнинг Хоразм вилоят вакили

Пахтабод тумани но ишлаб чиқариш ёпиқ хиссадорлик жамияти жамоаси мана бир неча йилдирки, ўз маҳсулотлари билан хориждорлар ҳурматида сазовор бўлиб келмоқда. Хиссадорлик жамиятида ҳозирги кунда ўн икки турдаги но маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда шу кунгача жами 50 миллион сўмлик нон ва нон маҳсулотлари аҳолига ўз вақтида етказиб берилди. Жумладан, ушбу давр мобайнида 20 тонна миллий нон, 100 тонна қолипчи нон, 2 тонна булочкалар ва 6 тонна макарон маҳсулотлари тайёрланди. Суратда: ишчи мавжудда йўлдошва

Ш.ОЛИМОВ
(ЎзА) олган сурат

Халқимизнинг энг гўзал ва бетакрор айёми — Наврўз байрамини муносиб кўтиб олганлар орасида акциядорлик тижорат «Пахта банк»нинг Балиқчи филиали ҳам бор. Мижозларга хизмат кўрсатишнинг замонавий усуллари ўз фаолиятида кенг қўлланылган бу ишчан жамоа айёмига ажойиб соғва ҳозирлаб, кўпчилигининг эътиборига тушди. Мамлакатимиздаги банклар ичида бирикинчи бўлиб фермерлар учун консалтинг хизмат марказини ташкил этди.

— Бугун иқтисодий тизимнинг мустаҳкам таянчига айланган фермерларимизга алоҳида эътибор берилмоқда, — дейди филиал бошқарувчиси Зафарбек Насиббоев. — Уларнинг элими фаровонлиги йўлидаги бекиёс хизматлари астойдил қўллаб-қувватланмоқда. Туманимиздаги фермерларнинг учдан бири қисми, яъни 320 нафари мижозларимиз сифатида банкимиз хизматидадан фойдаланишди. Улар учун кулай шароитлар яратишни мақсад қилиб қўйгандик. Бунинг учун филиалимиз қошида марказ ташкил қилиб, консалтинг хизматини йўлга қўйдик.

Бу марказ қандай марказ? Уни ташкил этиш зарурати нима учун керак бўлиб қолди. Албатта бундай саволлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Яқин-яқингача филиалда бўлсангиз, банк хизмати-дан фойдаланувчиларнинг оқими сизни бефарқ қолдирмасди. Уларнинг орасида фермерларнинг ҳам кўп эканлигини ўйланганда, банкнинг қундалиқ юмушлари тобора ортиб бораётганлигини ҳис этардингиз. Филиалингиз ёш, иқтидорли бошқарувчиси масаласига оқилона ечим топди. Қишлоқ шароитида фермерларга банк хизмати кўрсатишни юкори даражада йўлга қўйишни режалаштирди. Бунинг учун Зафарбек Насиббоевга бор-йўғи уч ой кифоя қилди.

Наврўз байрами арафасида фермерлар учун иш бошлаган консалтинг хизмати маркази филиал биносининг шундоққина олд қисмини ёш томонида жойлашган. Унга бир вақтда икки қўриқлаш хизмати ходими қарши олади. Кенг ва шинам безатилган фойедан ўтиб бораркансиз, консалтинг хиз-

Янгилик

Шунингдек, марказ ҳодимлари ҳамда мижозларни банкнинг раҳбар ҳодимлари билан бевосита мулоқотда бўлиб туришлари учун икки телефон алоқалари йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 42-сонли йўриқномаси талабларига мувофиқ фермерларга консалтинг хизмати кўрсатиш учун алоҳида шартнома имзоланди. Шу билан бирга уларга марказ биносига кириб-чиқариш учун махсус рухсатномалар берилди. Хозирча ушбу хизмат тури бўйича имзоланган шартномаларнинг умумий қиймати 12 миллион сўмликдан ортиб кетди.

Марказ фермерлар учун банк амалиётларини баҳаради. Унда давр талабига ҳамоҳанг компьютер ва нуска қўриши воситалари ишлаб турибди. Ушбу компьютерлар тўғридан-тўғри локал тизимга уланган. Масъул шахсларнинг «NCI банк» дастурига кириб, банк амалиётини ўтказишлари учун пароллар ўрнатилган.

Мижозларга намунали консалтинг хизмати кўрсатиш учун 7 нафар ҳодим иш олиб бормоқда. Ўзқ давом этган танловларнинг натижаларига кўра шартнома асосида ишга қабул қилинган мазкур ҳодимларнинг 2 нафари банк ҳуқуқшуноси. Фермерлар барча ҳуқуқий масалалар бўйича уларга таянишади. Ҳуқуқшунослардан бевосита ёрдам ва маслаҳат олишади. Умумий хизмат кўрсатиш жараёнида мижозлар сўраши ичимликлар, қаҳва ёки ис-

сик чой билан сийланади. Маълумки, ҳозирги кунда пахта ва галла ҳажратлари учун берилган имтиёзли кредитларнинг белгиланган қисқа мuddат ичида йўналтирилган бу ҳақда мижозларга хабар бериш банкларнинг энг долзарб муаммоси бўлиб турибди. Банк филиали қошида янги иш бошлаган консалтинг маркази ушбу муаммага барҳам берди. «Перфектум» уяли алоқа компаниясининг филиалда ҳисоб рақами очилиб, ҳамкорлик шартномаси тузилди. Унга мувофиқ банк олис масофаларда жойлашган фермерлар талабига кўра ушбу алоқа компаниясининг уяли телефонларини лизинг асосида олиб беради. Лизинг таминоти учун бўлгуси ҳосил гаровга олинади. Бу қулайликдан ҳозир барча мамнун. Ахир алоқа компанияси уларга доимий равишда банкдаги янгиликлар, яъни, кредитлаш даври бошланганлиги тўғрисидаги хабарларни етказиб боради. Хабарларнинг мижозларга ўз вақтида етказилиши бўйича жавабдорликни компания ўз зиммасига олган. Ўз навбатида хабарларнинг фермерларга етказилганлигини банк ҳам маълум қилади. Марказни ташкил қилиш учун банк филиали томонидан сарф қилинган барча харажатларнинг шу йилнинг ўзидаёқ тўлиқ қопланиши кутулмоқда.

Янгиликнинг афзаллик томонлари кўп. Энг муҳими, ҳеч бир фермер ортиқча вақт сарфлаб, банк билан даласи ўртасида беҳуда югуриб юрмайди. Хар бир дақиқани тежаб, ундан унумли фойдаланади. Тежалган вақт ва яратилган имконият унга соҳасини янада ривожлантиришга шарт-шароит яратади.

ДАВОЛАШ МАСКАНЛАРИ

Юртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида»ги Фармонида асосан Кўнғирот тумани марказий шифохонаси жамоаси ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Жумладан, қишлоқ аҳолисига бирламчи тиббий санитария хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида қатор қишлоқ врачлик пунктларини ишга туширди. «Жана талап», «Кўнғирот», «Охунбоев» фермер хўжалиқларида ҚВЛПлар қурилди. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан «Хоразм», «Кўкли кўл», «Ажинияда» фермер хўжалиқларида жойлашган амбулаториялар сифатли таъмирланиб, қишлоқ врачлик пунктларига айлантирилди. Улар зamon талабларига мос сув, канализация, электр тармоқлари билан таъминланди. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг яқиндан кўрсатган ёрдами тўғрисида 6 та қишлоқ врачлик пунктларига ҳар бирининг ўртача қиймати 17 миллион сўм турадиган тиббий асбоб-ускуналар етказиб берилди. Худди шунингдек, тумандаги «Кўнғирот» ва «Равшан» қишлоқ врачлик пунктларида ўтган йили тўлиқ таъмирлаш ишлари олиб борилиб, «Саломатлик-2» лойиҳасига қиритиш учун тайёр ҳолга келтирилди. Ту-

Соҳиба АЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбири

Рустам АҲМАДЛИЕВ, «Ишонч» мухбири

